

## **“Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси” китоби хайрия сифатида тарқатилмоқда**



18:03 / 22.09.2021 5091

“Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси” китоби хайрия сифатида тарқатилмоқда

Хабарингиз бор, марҳум муфтий Усмонхон Темирхон ўғли ҳазратлари томонидан нашр этилган “Тафсири Ирфон” китобининг мухтасар шаклда таълиф этилган – “Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси” китоби чоп этилиб, хайрия тариқасида кенг тарқатилмоқда.

Айни кунларда ушбу Қуръони карим китобининг нусхалари мадрасалар устозлари, талабалари, имом-домлалар, диний соҳа ходимлари ва Қуръони карим ўқишга иштиёқи бор, лекин имконияти йўқ фуқароларга ҳам бепул тарқатиш ишлари давом этмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Сурхондарё вилоятидаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Сиз бизга кераксиз!” шиори остида эшитиш ва сўзлашишда нуқсон бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларимиз иштирокида ўтказилди.

Тадбир давомида марҳум муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари таржима қилган “Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси” китоби имконияти чекланган ҳамюртларимизга ҳадя тариқасида улашилди. Бундан имконияти чекланган юрtdошларимизнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Шу кунларда ушбу Қуръони карим китоби хайрия сифатида улашиш ишлари давом эттирилмоқда.